

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ТИББИЙ МУХОФАЗА ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тошматов Отабек Мадаминович

Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари

Аннотация. Ушбу мақолада оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган. Жумладан, соҳада қонунийликни таъминлашда прокурорлар эътибор қаратиши лозим бўлган масалалар таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан ушбу йўналишида прокурор назоратини самарали ташкил қилиш масалалари баён этилган.

Калит сўзлар: оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиш, прокурор назорати, прокурор назорати предмети, сифатли тиббий хизмат

Маълумки, оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиш давлатнинг энг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш иши ҳам давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланганки, бунинг замирида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини оширишдек улуғвор мақсадлар қўйилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бу соҳанинг ҳуқуқий асосларини яратиш чоратadbирлари олиб борилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон **Фармони** билан репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, перинатал марказларни зарур тиббий техника ва буюмлар билан жиҳозлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш вазифаси белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш

¹ Тоштемирова Н. Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари. Жамият ва инновациялар. 2021 йил, 2(8/S), 258-б.

тўғрисида”ги ПҚ-216-сонли қарорида 2022 — 2026 йилларда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган:

а) соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида оналар ва болалар ўртасида касалликлар профилактикаси, уларни барвақт аниқлаш ва соғломлаштириш дастурларини амалиётга жорий этиш, шу жумладан:

соғлом фарзанд туғилиши, ривожланиши ва тарбияси масалалари бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш, тўғри овқатланиш ҳамда жисмоний фаолликни оширишни тарғиб этиш, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш;

болалар, ҳомиладор ҳамда эмизикли аёлларни витамин ва минераллар билан бепул таъминлаш ҳамда мақсадли скрининг тадбирлари орқали касалликларнинг самарали профилактикасини олиб бориш;

б) 2022 — 2026 йилларда оналар ва болалар учун тиббий хизмат кўрсатиладиган объектларни реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

в) диагностика ва даволашнинг юқори технологияли ҳамда инновацион усулларини амалиётга жорий этиш ҳамда соҳа ходимларининг илмий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш².

Айтиш жоизки, амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат оналик ва болаликни тизимли равишда муҳофаза қилиш имконини яратди, натижада оналар ва гўдаклар ўлимининг камайишига эришилди.

Шу билан бирга, олис ҳудудларда тиббий ёрдамни мақсадли йўналтириш тизимини юқори даражада ташкил этиш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг самарадорлигини ошириш бугунги кундаги муҳим ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади.

Фуқароларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилишда мазкур соҳада қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Конституциянинг 143-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Сўнгги йилларда прокуратура соҳасини тубдан ислоҳ этиш, бу борада очиқлик ва адолатга асосланган, фуқаролар ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган, халқпарвар қарорлар қабул қилиш, ўз

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “2022 — 2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида”ги ПҚ-216-сонли қарори. Lex.uz

назарий ва амалий мактабига, фидойи ва профессионал ходимлар копусига эга бўлган тизимни шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз.

Эл-юртимизнинг Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда, қонунийликни таъминлаш, жинойатчиликни олдини олишда прокуратура органларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, халқ билан очик мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини чуқур ўрганиш ва ҳал этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳа ходимларининг энг асосий ва кундалик вазифасига айланди³.

Профессор Ю.Винокуровнинг фикрича, қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- қонун бузилишлари тўғрисида хабарлар келиб тушганда прокурор аралашувининг лозимлиги;
- қонун бузилишларини олдини олишда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати амалга оширилишида уларга берилган барча имкониятлардан самарали ва кенгроқ фойдаланиш;
- ҳуқуқбузарликлар содир этилганида жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини янада фаол амалга ошириш⁴.

Бош прокурорнинг 24.11.2017 йилдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомил-лаштириш тўғрисида”ги 166-сон буйруғида фуқароларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатилиши устидан назоратни таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири эканлиги белгиланган.

Хусусан, ушбу буйруқнинг 7.2-бандида назорат тадбирларида “Тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, жамиятда соғлом турмуш-тарзини шакллантириш, аҳолини арзон дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда шошилиш тиббий ёрдам тизими фаолиятига доир қонун ҳужжатлари ижроси устидан таъсирчан назорат ўрнатилсин. Касалликлар динамикаси ҳақидаги статистик маълумотлар ҳар ярим йилда таҳлил қилиниб, қонунбузилишларни бартараф этиш чоралари кўриб борилсин” – деб кўрсатма берилган.

Ҳисоботларга кўра, ўтган 2024 йилда вилоят прокуратураси органлари томонидан назорат тадбирлари давомида 39 853 нафар аҳоли, шундан, 16 287 нафар туғиш ёшдаги аёллар, 8 286 нафар вояга етмаганлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди, 1 546 нафар шахслар бепул дори воситалари билан

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 08.01.2024 йилда Прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига табриги. President.uz

⁴ Винокуров Ю.Е. Прокурорский надзор. М.: 2007. –С.119-120.

таъминланди, 845 нафар шахсларга эса даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар берилди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлган ҳужжатларни бекор қилиш ва қонунга мувофиқлаштириш юзасидан 49 та протест келтирилди, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш, келгусида йўл қўймаслик бўйича жойларга 56 та тақдимнома киритилди, 245 нафар шахслар интизомий, 27 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 9 та жиноят иши қўзғатилди, шунингдек, 5746 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиш соҳасида прокурор назорати, шу соҳадаги қонунларнинг амалга оширилишини таъминлаш, тиббий хизматлар ва ижтимоий муҳофаза чораларининг қонун ҳужжатлари талаблари асосида ташкил қилинганлигини ўрганишга қаратилган фаолиятни ўз ичига олади.

Ушбу соҳада прокурорлар қуйидаги йўналишларда иш олиб боради:

- Тиббий хизматлар ва кўмак:

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган тиббий хизматларнинг сифатли ва тўлақонли ташкил қилинганлигини назорат қилиш.

- Қонунлар ва меъёрлар:

Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилишни текшириш. Масалан, патронаж хизматларининг сифатли ва белгиланган муддатларда ўтказилиши, тиббий кўрикар, бирламчи тиббиёт муассасалари ва туғруқхоналарда яратилган шарт-шароитлар ва бошқалар.

3. Тиббий хатолар ва номувофиқликлар:

Тиббий ташкилотлардаги хатолар ёки қонун бузилиши ҳолатлари ҳақида прокурор назорати тартибида текширишлар ўтказиш.

4. Ҳуқуқларнинг ҳимояси:

Оналик ва болалик билан боғлиқ ҳуқуқлари бузиш ҳолатларига қарши чоралар кўриш ҳамда ижтимоий соҳада аёллар ва болаларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш.

Прокурорлар ўзларига юклатилган вазофаларни амалга оширишларида мутахассис ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам муҳим рол ўйнайди. Мутахассислар прокурорларга текширувларнинг турли кўринишларининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқишда ёрдам беришади ва улардан маслаҳат беришда, текширишларда қатнашишда, махсус масалалар бўйича хулоса

беришда, шунингдек, текширув натижалари бўйича таклифлар ишлаб чиқишда фойдаланишлари мумкин⁵.

Юқоридагилардан келиб чиқиш айтиш мумкинки, оналик ва болаликни тиббий муҳофаза қилиш инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишидаги прокурор назоратининг энг асосий соҳаларидан бири бўлиб, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Айниқса, бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби, ижтимоий ушбу йўналишда прокурор назоратининг ҳуқуқий аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Зеро, прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориш фаолияти тубдан ўзгартирилди. Илгари қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва жазолашга асосий ўрин берилган бўлса, энди асосий эътибор бундай ҳолатларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилмоқда⁶.

⁵ Винокуров А.Ю. Полномочия прокурора по надзору за исполнением законов. Законность. М.: 2006. №4. – С.10-13.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 08.01.2024 йилда Прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига табриги. President.uz.